



2020 у « 10 » ноябр \_\_\_\_\_

№ Қ-1727 \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ г

**Тумандаги “YOSH G'AYRAT AGRO ” МЧЖга экспортбоп махсулотлар етиштириш мақсадида 7,0 гектар ер майдонини вақтинчалик 1 (бир) йил муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерлардан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарорига мувофиқ, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 31 октябрдаги далолатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 31 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги захира ер майдонидан Нуралиев Жўрабек бошлиқ “YOSH G'AYRAT AGRO” масъулияти чекланган жамиятига экспортбоп махсулотлар етиштириш мақсадида “Н.Мирзаев” массиви “Уяс” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан хўжалик харитасининг 202қ-контурда жойлашган 7,0 гектар суғориладиган экин ер майдони (вақтинчалик) 1-йил муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талабига асосан ажратилган ер майдонидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланганда мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб кўйилсин.

4. Туман давлат солиқ инспекцияси (З.Турсунов)га “YOSH G'AYRAT AGRO” МЧЖга экспортбоп махсулотлар етиштириш мақсадида “Н.Мирзаев” массиви худудидан хўжалик харитасида 202қ-дала контурларида жойлашган 7,0 гектар суғориладиган экин ер майдони ажратиб берилаётганлиги муносабати билан қонунда белгиланган тартибда ер солиғини давлат бюджетига ундириш топширилсин.

5.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Х.Йўлдошев)га “YOSH G'AYRAT AGRO” МЧЖга экспортбоп махсулотлар етиштириш мақсадида “Н.Мирзаев” массиви худудидан хўжалик харитасида 202қ-дала контурида жойлашган 7,0 гектар суғориладиган экин ер майдонини жойида ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

